

БУХОРО АМИРЛИГИДА ХУНАРМАНДЧИЛИК ВА ТЎҚИМАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИДАН

Жумаев М.Х.

кат.ўқ.–ЎзДЖТСУ “Спорт ҳуқуқи, ижтимоий, табиий-илмий фанлар”
кафедраси катта ўқитувчиси.

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Бухоро амирлигида хунармандчилик ва тўқимачиликни ривожланиш тарихи ёритилади.

Калит сўзлар: деҳқончилик, чорвачилик, хунармандчилик, тўқимачилик, шойи мато, ипак, жўн, бўёқчилик, пилла, ипак газлама, зардўз, буйрабоф, алоча, читгарлар.

АННОТАЦИЯ

В данной статье освещается история развития ремесла и текстильной промышленности в Бухарском эмирате.

ABSTRACT

This article describes the history of the development of handicrafts and textiles in the Emirate of Bukhara.

Бухоро амирлигида энг ривож топган хунармандчилик соҳаси тўқимачилик бўлиб, у ерда пахта ва пилла толасидан бўз, қалами, чит, дока, рўмол, атлас, беқасаб, шоҳи, адрас каби аҳоли кундалик турмушида кенг қўлланиладиган катта миқдордаги матолар тайёрланган. Бухоро шаҳри ва унинг атрофидаги қишлоқларда 10-12 минг тўқимачилик дастгоҳи бўлиб, уларда минглаб усталар меҳнат қилишган. Улар ўзлари тайёрлаган матога қараб, алочабоф, шоибоф, адрасбоф, бахмалбоф, рўмолбоф, читгар деб аталган¹².

Тўқимачилик устахоналари эгалари фақат Бухоро шаҳрида йигирилган ишларга қаноат қилиб қолмасдан, узоқ-яқин қишлоқларга бориб ёки деҳқонлар бозорга сотиш учун олиб келган тайёр ишларни харид қилганлар.

Калава ипнинг ½ фунти 50 тийинга баҳоланган¹³. Масалан, 1868-1869 йилларда Бухоро амирлигидан Россияга 250000 пуд (1949000 сўмлик) пахта,

¹² Қиличев Р. Бухоро шаҳрида хунармандчилик. – Тошкент. Фан. 1996. – Б. 5.

¹³ ЎзР МДА, 596-жамғарма, 1-ёзув, 3-иш, 11-вар.

5500 пуд (43000 сўмлик) калава ип чиқарилиб, улар асосан Нижнегород ярмаркасида сотилган¹⁴.

Бухоро шаҳрида энг кўп тарқалган пахта матолар бўз ёки қалами ва чит бўлган. Бўз қалин мато бўлиб, икки тепкили қўл дастгоҳда тўқилган. Бўзнинг малла, яъни паст навли пахтадан тўқилгани маллабўз, ҳар хил иплар аралаштириб тўқилган энли йўл-йўл нақшлиси – *қалами*, ингичка йўллиси - *чиги* деб аталган.

Маҳаллий аҳолининг ички бозорида чит матолар катта ўрин тутиб, ундан кўрпа ва чопонлар учун астар, кўрпача, кўрпа-ёпинчиқ, дастурхон, сандалпўш, салла, жойнамоз, белбоғ, рўмол, чодир, буғжом, бухчабандлар тайёрланган. Чит тўқувчи усталар *читгарлар* деб аталиб, шаҳарнинг Шоҳмалик ва Абдуллахўжа маҳаллаларида яшаганлар. Бозорга чиқарилган бир кийимлик читнинг нархи 30 тийинга, битта тайёр чит чопони 3 сўмга баҳоланган¹⁵.

Бухоро шаҳрида энг кўп тўқиладиган матолардан бири *бахмал* бўлиб, у текис ва патли хилларга бўлинган. Бу матони тўқувчилар бахмалбофлардеб аталиб, улар шаҳарнинг Шайх Жалол, Хонақо, Миржон Али ва Тўпхона маҳалларида истиқомат қилганлар. Бахмалбоф бир кунда 2 аршин бахмал тўқий олган ва уни бозорда 2 сўм 70 тийиндан 3 сўмгача сотган. Ҳар бир аршин тўқилган матога бахмалбоф 55 тийиндан иш ҳақи олган.

Худди шу пайтда Қарши шаҳрида 19 та ипакчилик устахонаси бўлиб, уста эни 12 вершок, узунлиги 9 аршин бўлган матони тўқигани учун 1 сўм 80 тийин иш ҳақи олган. Бундан биз тўқувчи усталарга иш ҳақи тўқилган маҳсулот ҳажми, вақти ҳамда сифатига қараб белгиланганлигини кўрамиз.

Ўша пайтда бозорларда 1 фунт хом пилла 2 сўмгача сотилган. Бундан ташқари етиштирилган ипак хом ашёсининг катта қисми Россия ва Ҳиндистонга жўнатилган. Хусусан, 1869 йилда Ҳиндистонга 24000 пуд (4800000 сўмлик), Россияга 5038 пуд (1008000 сўмлик) ипак юборилган¹⁶.

XIX асрнинг 70 йилларида рус ҳукумати кўп миқдорда сифатли ипак хом ашёси ва ипак матоларни Россия бозорларига етказиб бериш мақсадида 200000 сўмлик капиталга эга бўлган “Москва-Тошкент” ширкати тузади. Унинг асосий вазифаси Туркистон ўлкаси ва Бухоро, Хива хонликлари ҳудудларида ипакчилик корхоналари ташкил қилиш, ижарага олиш орқали ипак матоларини тўқиб чиқариш эди¹⁷.

Алоча қўлда тўқилган ингичка йўлли мато бўлиб, арқоғи ип, ўриши ипак бўлган. Алочадан асосан эркаклар чопони тикилиб, у бозорда 5 сўмгача

¹⁴ Ўша жойда. – 20-иш, 31-вар.

¹⁵ ЎзР МДА, 72-рўйхат, 1-ёзув, 9-иш, 45-вар.

¹⁶ ЎзР МДА, И-126 рўйхат, 1-ёзув, 1271-иш, 24-вар.

¹⁷ ЎзР МДА, И-1 рўйхат, 16-ёзув, 2380-иш, 3-вар.

баҳоланган. Энг йирик алоча тўқувчи устахона эгаси Қозокжон бўлиб, унинг 120 та тўқув дастгоҳи бўлган. У маҳаллий аҳоли орасида “алочайи Қозокжоний” номи билан машҳур бўлган энг сифатли алочалар тўқиб чиқарган. Бухоролик алочабофлар шаҳарнинг Пухтабофон, Шаҳри Нав, Жўйбар, Мирзо Ҳайдари поён маҳалларида яшаганлар¹⁸.

Беқасаб ингичка йўлли мато бўлиб, алочадан ўзининг сифати, тайёрланиш усули ва арқоғи оқ-қизил, ўриши кўк рангли иплардан иборат бўлган. Энг олий сифатли беқасабнинг 48 аршини 12 сўм 60 тийин бўлиб, ундан тайёрланган чопон бозорда 9 сўмдан сотилган. Беқасаббофлар шаҳарнинг Урганжиён, Хонақо, Абдуллохўжа, Жўйзар, Пухтабофон маҳаллаларида яшаган¹⁹.

Амирликда фақат ипакдан тўқиладиган адрас, шоҳи, қалғай, атлас ва хонатлас каби матолар тайёрланиб, уларни тўқувчи усталар адрасбоф, шоҳибоф, қалғайбоф, атласбоф деб аталган. Адрас матосини тўқиганда усталар қизил, кўк, сариқ ва яшил ранглardan фойдаланиб, ундан аёллар кўйлаги, кўрпа ва ёстик жилдлари, ёпинчиқ, сўзаналар ва эркаклар халати тайёрланган. Ички бозорларда аёлларнинг адрас кўйлаги 10 сўм, эркакларнинг адрас халати 7 сўмга баҳоланган²⁰.

Сарой устахонаси зардўзлари амир, унинг оила аъзолари ва амалдорларига атаб тикилган кўплаб зардўзи чопонлар, этик, кавуш, махси, кўйлак, рўмол, дўппи, калтапўшак²¹ ва бошқа буюмлар ҳозирда Бухоро бадий ўлкашунослик музейи фондида сақланмоқда.

Бухоро амирлигининг Бойсун, Қоратегин ва Ҳисор бекликлари темир рудасига бой ҳудудлар бўлиб, биз тадқиқ қилаётган даврда шаҳардаги 150 та чилангардан 30 таси кетмонсозлик, 50 таси ўроқсозлик хунарлари билан машғул бўлган²². Бухоро шаҳри темирчи усталари ўз маҳсулотлари билан шаҳар ва унинг атрофидаги қишлоқ аҳолисини таъминлаганлар. Амирликнинг бошқа ҳудудларида ўз темирчи усталари бўлиб, улар ўз маҳсулотлари билан атрофдаги аҳоли талабини қондириб келганлар. Масалан, Қарши беклигида темирчи усталар ўзларининг пичоқсозликлари билан жуда машҳур бўлишган. Пўлатдан ясаиб, дастасига олтин ёки кумуш қопланган Қарши пичоқларининг бозор нархи 7-8 сўм бўлган²³. Оддий дастали пўлатдан ясалган пичоқ 3 сўм ва ундан

¹⁸ ЎзР МДА, 596-рўйхат, 1-ёзув, 3-иш, 40-вар

¹⁹ Ўша жойда. – 13 вар.

²⁰ ЎзР МДА, 596-рўйхат, 1-ёзув, 3-иш, 41-вар.

²¹ Бухоро бадий ўлкашунослик музей кўриқхонаси фондларида сақланаётган (1799/9, 679/9, 811/9, 6709/9, 671/9, 4230/10, 4234/10) рақамли буюмлар.

²² Массон М.Е. К истории черной металлургии Узбекистана. – Ташкент. Гос. издат. Уз ССР. 1947. – С. 51.

²³ Краузе Л.О. Туземном оружии в Туркестанском краев. – Москва. Сб. // Русский Туркестан. Выпуск 2.

юқори бўлган. Ўратепа беклигидаги темирчи усталар устара яшашга моҳир бўлишган. Оддий темирдан ясалган устаралар ички бозорда 5-10 тийиндан баҳоланган²⁴.

XVIII асрнинг охири XIX асрнинг ўрталарида амирликнинг Бухоро шаҳри Гиждувон, Вобкент, Қорақўл, Ҳисор, Қоратегин, Шахрисабз, Бойсун бекликларида кўплаб чўян қуйиш устахоналари ҳам бўлган. Бухоро шаҳри ва унинг теваарак атрофларида 40 га яқин чўянгарлик устахоналари бўлиб, унда юзлаб усталар меҳнат қилишган. Архив маълумотларига кўра, 23 уста бир йилда 1116352 дона турли буюмлар тайёрлай олиб, бунинг учун 22809 пуд 24 фунт чўян, 1238 пуд 16 фунт темир сарф бўлган²⁵. Чўянгар ҳунармандлар аҳолининг кундалик хўжалиги учун зарур бўлган омоч позаси, қозон, чироғ, панжара, кўза, чойнак, ароба ғилдирақлари халқаси ва бошқа буюмларни тайёрлаганлар.

Бухоро амирлигида этикдўзлар бир йилда 700-800 сўмлик, кавушдўзлар 1500-1800 сўмлик маҳсулот тайёрлаб, шундан 15 % соф даромад кўрганлар. Косибнинг бир йиллик даромади эса 225-240 сўм бўлиб, ойлик даромади 20 сўмга тўғри келган.

Шундай қилиб, Бухоро амирлигида тўқимачилик ва ҳунармандчилик ўрта асрларданок тараққий этиб, бу ўлка ўзининг маҳсулотлари билан бутун жаҳонга машҳур бўлган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)

1. Қиличев Р. Бухоро шаҳрида ҳунармандчилик. – Тошкент. Фан. 1996. – Б. 5.
2. ЎзР МДА, 596-жамғарма, 1-ёзув, 3-иш, 11-варақ.
3. Ўша жойда. – 20-иш, 31-варақ.
4. ЎзР МДА, 72-рўйхат, 1-ёзув, 9-иш, 45-варақ.
5. ЎзР МДА, И-126 рўйхат, 1-ёзув, 1271-иш, 24-варақ.
6. ЎзР МДА, И-1 рўйхат, 16-ёзув, 2380-иш, 3-варақ.
7. ЎзР МДА, 596-рўйхат, 1-ёзув, 3-иш, 40-варақ.
8. Ўша жойда. – 13 варақ.
9. ЎзР МДА, 596-рўйхат, 1-ёзув, 3-иш, 41-варақ.
10. Бухоро бадиий ўлкашунослик музей қўриқхонаси фондларида сақланаётган (1799/9, 679/9, 811/9, 6709/9, 671/9, 4230/10, 4234/10) рақамли буюмлар.
11. Массон М.Е. К истории черной металлургии Узбекистана. – Ташкент. Гос. издат. Уз ССР. 1947. – С. 51.

1872. – С. 214.

²⁴ ЎзР МДА, 596 - рўйхат, 1-ёзув, 3-иш, 42-вар.

²⁵ ЎзР МДА, Р-53 - рўйхат, 1-ёзув, 8-иш, 133-вар.

12. Краузе Л.О. Туземном оружии в Туркестанском краев. – Москва. Сб. // Русский Туркестан. Выпуск 2. 1872. – С. 214.
13. ЎзР МДА, 596 - рўйхат, 1-ёзув, 3-иш, 42-варақ.
14. ЎзР МДА, Р-53 - рўйхат, 1-ёзув, 8-иш, 133-варақ.
15. Маманов Ж. А., & Розиков, Ж. М. Миллий менталитетнинг ёшлар маданиятига таъсири. Academic research in educational sciences, 2(Special Issue 1), 2021. 170-178.
16. Маманов Ж. А. Маънавий маданият тушунчаси ва унинг таркибий қисмлари. Қарақалпоқ давлат университетининг ахборотномаси. 2020. 137.
17. Маманов Ж. А. Young people are increasing a spiritual culture place of national mentality. International Journal of Psychosocial Rehabilitation. 2020. 3203.
18. Маманов Ж. А. Ёшлар маънавий маданиятига таҳдид ёки мессионерликнинг салбий оқибатлари. ЎзМУ хабарномаси. 2018. 169.
19. Маманов Ж. А. Маънавий тарбия такомилда спорт ва ахлоқий маданиятни уйғунлаштириш масаласи. Фан спортга. 2018. 76.
20. Жумаев У.Х. Туркистондаги назорат палатасининг фаолияти. ЎзМУ хабарлари, № 2. – Тошкент, 2010. 221-б.
21. Жумаев У.Х. Туркистондаги бож тўловлари. Тафаккур. Тошкент, 2010. – № 3. 123-б.
22. Жумаев У.Х. Олис ҳақиқатнинг равшанлашуви. Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2010. – № 2. 63-б.